

Дини мубини ислом, кўб амрларда (тахорат, намоз, гусл...) каби жумла мусулмонларни назофат ва покизалик ила юрмокларига буюруб ва шунинг учун «Буниял-исламу алан-назафати» - (Ислом покликка курилган - *Н. Н.* ), «Ан-назафату шатр ул-имон» - (Поклик имоннинг бир бўлагидир- *Н.*)

демишдур. Мундан бошка неча оят ва хадислар мазмунидан хифзи сиххат коидаларига риоят этуб либос, таом, уй, хатто кўчаларни покиза тутмогимизнинг лозимлиги англашилгон холда бизлар бул хусусда хеч бирисига ахамият бермай, киру ифлослик ила маишат этиб, ўзимизни турли дарду балоларга гирифтор ва нобуд этмакдамиз. Кунда ўн мартаба бўлса ҳам таом еяремиз. Унинг мижозимизга фойдалик ёки зарарлигини харгиз ўйламаймиз. Холбуки, аксар хасталик бемавруд ва ё зарарлик таом емокдан пайдо бўлур. Сув ичармиз ва анинг микроб (майда курт)лари ва нопоклигига диққат этмаймиз. Холбуки, аксар хавузлардаги сувнинг ярми курт бўлуб, ранг, бўй ва мазаси ҳам тағйир тобгандур. Мундай сувнинг кўб дардларга сабаб бўлиши маълумдур. Бухоро ахолисининг аксарият ила (дардчил ва ришта) хасталигига мубталоликлари ифлос сувларни ичмокдан бўлса керак. Яна бизларнинг жахолатимиздин нашъат этган бир одатимиз борки, мабодо касал бўлуб колсак, муолажа учун фолбин, кабристон ва азайимхонлардан маслахат ва шифо истаб беҳуда ерда неча сўмлардан ажраймизки, агар бу окчаларни хозик, табиб - дуктур ва керакли доруларга сарф килинса, дарддин шифо топмак умидлироқдир. Холбуки, фолбинлар сўзига ишонмок шаръан дуруст эмас. Бас, аларнинг сўзи ила амал килмок кайда колди? Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васалламнинг хасталар учун табибларга мурожаат этмокга буюрганлари, хатто ўзлари ҳам табиблардан дору сўраган-лари марвийдур. Бурунги асрларда уламои ислом тиб ва хифзи сиххат хусусида неча китоб ёзиб, бул муборак фаннинг тавсиъ ва такмилига хейли хизмат этмишлар. Аммо бу замонда бизлар тиб ва табиблардан кочиб, фолбин, раммол, кабристон ва дуохонларга сигинамизки, бу иш тарих ва улуми лозимадан хабарсизлигимизнинг аломатидур. Дуруст, хозирги мусулмон табиблардан кочмокка ҳам ҳақкимиз бор. Чунки буларнинг кўбиси илми тибдан беҳабардурларки, дарднинг зўраймогига ва хастанинг тезрок охиратга сафар килдурмокга сабаб бўлмокдан бошка хунаrlари йўқдур. Буларнинг максоди эса пулга дору сотмок ва шунинг ила тирикчилик этмокдур. Лекин хакикий табиб ва дўктурга ружуъ килмок керакдур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 33-сон